

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6380126>

ХИТОЙ ТИЛИДА СЎЗЛАР ВА СЎЗ ЯСАШ ТУРЛАРИ

Неъматова Нигина Алишеровна

СамДЧТИ Қўшма таълим дастурлари кафедраси ўқитувчиси

Улашбоев Оғабек Икромжон ўғли

Қўшма таълим дастурлари факультети талабаси

Хитой тилида икки хил сўз тури мавжуд – оддий ва мураккаб сўзлар. Аммо хитой тили луғат бойлигида оддий сўзлар кўпроқдир. Масалан: 马-от, 雪-қор, 雨-ёмғир ва ҳоказо.

Мураккаб сўзларнинг катта қисми икки таркибли (бўғинли) сўзлардир. Бундай сўзлар турли йўллар билан ташкил топган – айримлари ўзга тиллардан кириб келган, айримлари икки оддий сўзни қўшиш орқали ҳосил қилинган, айримлари битта сўзни такрорлаш туфайли пайдо бўлган, ва, ниҳоят, баъзилари оддий сўзга махсус қўшимчалар – аффикслар ёхуд префикслар қўшиш орқали ҳосил қилинган.

Хитой тилида сўз яшашнинг энг кенг тарқалган усули бу – сўзларни қўшишдир. Бу тамойил қадимда ҳам бўлган, ҳозир ҳам амал қилмоқда. Буни ўзбек тили билан ҳам таққослаш мумкин.

Иккита қўшилган сўз ўртасидаги алоқалар тенглик ёки тобелик тамойилига асосланиши мумкин. Тенглик асосида ясалган мураккаб сўзлардаги иккита сўз маъно жиҳатидан бир бирига тенгдир, тобелик муносабатларида битта сўз иккинчисига эргашади.

§ 3. Тенглик асосида ясалган сўзларнинг катта қисми икки таркибли сўзлар ҳисобланади: 朋友- дўст (朋-ўртоқ, 友-дўст) , 树木-дарахт (树-дарахт, 木-дарахт)

Айрим ҳолларда икки таркибли сўзлар ҳаракат маъносини ифодаловчи иккита ўхшаш сўзни қўшишдан ҳосил бўлади: 打击 -урмоқ (打-калтакламоқ, 击-урмоқ) .

Қўп ҳолларда бундай сўзлар сифат маъносини берувчи ўхшаш сўзлардан ташкил топиши мумкин: 暑热 -иссиқ (暑-жазирама, 热-иссиқ) .

Баъзида мураккаб сўз маъноси ўзининг таркибига кирувчи сўзлар маъносидан фарқ қилиши ҳам мумкин: масалан 出-чиқиш ва 入-кириш сўзларини қўшиш орқали ясалган

сўз 出入- тафовут, фарқ маъносини беради. Ёки 裁- бичиш ва 缝- тикиш сўзларини қўшиш орқали 裁缝-тикувчи сўзи ясалган.

Хитой тилида мураккаб сўзларнинг тобелик муносабатлари тўрт хилда бўлиши мумкин.

Биринчисида мураккаб сўз таркибига кирувчи бир сўз нарсани англатса, иккинчи сўз унинг белгисини англатади: 火-олов, 车-транспорт, 火车- поезд, 工- иш, 人- одам, 工人- ишчи.

Тобелик муносабатларининг иккинчи турида бир сўз ҳаракатни, иккинчиси эса унинг натижасини билдиради: 扩 – кенгайтирмоқ, 大- катта, 扩大- каттартирмоқ.

Учинчи турда бир сўз ҳаракатни, иккинчиси мазкур ҳаракатнинг кимга қаратилганини англатади: 伤 – яраламоқ, 心- юрак, 伤心- қайғуга ботмоқ.

Ниҳоят, тўртинчи турда сўзнинг бир қисми субъектни, иккинчиси эса унинг ҳаракатини билдиради. Айрим ҳолларда биринчи қисм сифатнинг «эгасини», иккинчи қисм эса сифатнинг ўзини билдириши мумкин: 心- юрак, 重- оғир, 心重 – маъюс бўлмоқ.

Битта сўзнинг ўзини қайтариш оқали ясалган мураккаб сўзлар хитой тилида унчалик кўп эмас. Улар асосан қариндошлик даражасини билдирувчи атамлардир. Масалан: 爸爸 – ота, 妈妈 – она, 哥哥 – ака.

Мазкур гуруҳга қуйидаги сўзларни ҳам киритиш мумкин: 往往 – доимо, мудом, 纷纷 – гуруҳ бўлиб, тўда бўлиб.

§ 6. Энди бир ўзакли сўзга қўшимчалар (суффикс ёки префикс) қўшиш орқали ясалган сўзларни кўриб чиқайлик. Масалан, 子 суффикси умумий предметлик белгисини англатувчи сўзларни ясайди. Масалан: 房子 – уй, 帽子 – бош кийим.

头 суффикси орқали юмалоқ, овал, ёки цилиндр шаклига эга нарсаларни англатувчи отлар ясалади: 木头 – ёўла, 骨头 – суяк ва ҳоказо. Айти пайтда мазкур суффикс айрим мавҳум тушунчаларни бирдирувчи отларни ҳам ясаши мумкин: 念头 – фикр.

家 ҳамда 者 суффикслари ёрдамида маълум касб эгаларини англатувчи отлар яшаш мумкин: 作家 – ёзувчи, 记者 - мухбир.

Суффикс қўшиш ёрдамида кўплаб натижавий феъллар ясалган: 买到 – сотиб олмоқ, 听见-эшитмоқ, 想起 – эсламоқ. Мазкур феълларнинг иккинчи қисмлари суффикслар

бўлиб, улар маълум ҳаракат ёрдамида натижага эришиш мумкинлигига ишора қиладилар.

Ниҳоят, суффикс ёрдамида (масалан, 然суффикси) хитой тилида айрим равишлар ясалган: 忽然 – бирданига, 偶然 - қўққисдан, 仍然 – аввалгидек.

Префикс қўшиш ёрдамида ясалган санок сонларни кўрсатиб ўтиш мумкин: 第一 - биринчи, 第二 – иккинчи.

Хитой тилида жуда оз бўлсада, шундай сўзлар ҳам борки, улар мазкур тилдаги бошқа сўзларга мутлақо ўхшамайди. Булар морфологик жиҳатдан бўлинмас сўзлардир, яъни уларнинг таркибига кирувчи қисмлар маъносини изоҳлаб бўлмайди. Масалан: 蜘蛛 – ўргимчак, 蝴蝶 – капалак ва ҳ.к.

Икки бўғинли сўзлардан ташқари хитой тилида уч, тўрт, ёки бундан ҳам кўп бўғинлардан ташкил топган сўзлар ҳам мавжуд: 吸铁石 – магнит, 共产主义者- коммунист.

Ўзга тилдардан ўзлаштирилган сўзлар хитой тилида унчалик кўп эмас. Айниқса, фонетик ўзлаштириш ҳоллари (яъни, чет тилидаги сўз ўз фонетик оҳангини сақлаб қолган ҳоллар) жуда оз. Масалан: 卢布lubu – рубль, 布尔什维克 bu'ershiweike – большевик.

Айни пайтда таржима қилиб олинган сўзлар анчагина. Улар чет тилидан олинган тушунчани хитой тилига таржима қилиш орқали ясалган: 黑板 – доска.

Пировардида шуни ҳам айтиш лозимки, хитой тилида сўз чегаралари ёзувда аниқ кўрсатилмайди, шунинг учун мураккаб сўзни сўз бирикмасидан ажратиш олиш осон эмас.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Горелов В.И. Грамматика китайского языка. Москва: Просвещение, 1982
2. Люй Шусян. Очерк грамматики китайского языка/ Люй Шусян. – В 2-х тт. – Т.1: Слово и предложение. – М.: Восточная литература, 1961.
3. 外国人实用汉语语法。北京语言大学出版社。2007 年